



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 23 yil « 31 » avgust

№ 428

Toshkent sh.

### **Ташқи реклама ва ижтимоий ахборотнинг айланиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари түғрисида**

Ташқи реклама ва ижтимоий ахборотни жойлаштириш соҳасини тизимли тартибга солиш, мазкур йўналишда қатъий назорат ўрнатиш, ташқи реклама бозорининг иштирокчилари учун тенг имкониятлар яратиб, мулк дахлсизлигини таъминлаш ҳамда соҳага оид муносабатларни рақамлаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

#### **1. Белгилансинки, 2023 йил 1 декабрдан бошлаб:**

ташқи реклама бозори иштирокчилари учун тенг шароитлар яратиш ҳамда соҳада шаффофликни таъминлашга қаратилган “**Ташқи реклама**” **рақамли мониторинг электрон тизими** жорий этилади;

давлат мулки бўлган ер участкалари, бинолар ҳамда иншоотларда янги ўрнатиладиган ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) куриш хуқуқи учун электрон онлайн-аукцион якунлари бўйича тўлов ҳамда ташқи реклама ва ахборот обьектларида (конструкцияларида) ташқи reklamani жойлаштириш (тарқатиш) учун йиғим ўрнига миқдори очиқ электрон аукцион савдолари орқали белгиланадиган **ташқи реклама ва ахборот обьектини (конструкциясини)** ўрнатиш ва унда реклами жойлаштиришга бўлган хуқуқ учун ягона ойлик йиғим (кейинги ўринларда – йиғим) жорий этилади;

давлат мулки бўлган ер участкаларида, бино ҳамда иншоотларда ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) учун реклама жойининг паспорти ҳамда уларни ўрнатиш учун шартномалар **оммавий оферта шаклида** “E-auksion” электрон савдо платформасининг ягона электрон савдо майдончасида **аукцион ғолибиға автоматик тарзда** берилади;

хусусийлаштирилган, ижарага берилган ёки нодавлат ташкилотларга доимий фойдаланиш хуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларида, шунингдек, хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоотларда ҳамда транспорт воситаларида (йўналишлардаги автобуслар бундан мустасно) ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) жойлаштириш хуқуқини берувчи **реклама жойининг паспорти** Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) ахборот тизими орқали берилади.

#### **2. Ташқи рекламами жойлаштириш соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан.**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари ташқи рекламани жойлаштириш соҳасини ривожлантиришнинг мақсадли кўрсаткичлари бажарилишига масъул этиб белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлеклари:

**икки ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита) томонидан тақдим этилган намунавий тартиб асосида ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) **хатловдан ўтказиш тартибини тасдиқласин;**

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси ҳамда Кўмита билан биргаликда **2023 йил 1 декабрга қадар** манфаатдор ташкилотларни жалб қилган ҳолда, **ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини)** **хатловдан ўтказсин;**

ташқи реклама ва ахборот объектларининг (конструкцияларининг) белгиланган тартибларга мувофиқ ўрнатилганлиги устидан доимий назоратни таъминласин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимлекларига ташқи реклама соҳасига оид вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида заруратга кўра **2024 йил 1 марта қадар** тегишли маҳаллий бюджетлардан, **2024 йил 1 марта бошлаб** уларнинг бюджетдан ташқари жамғармалари ҳисобидан молиялаштириладиган **ташқи рекламани мувофиқлаштириш бўлинмаларини** ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

5. Белгилансинки:

а) амал қилиш муддати белгиланмаган реклама жойи паспортларининг амал қилиш муддати давлат мулки бўлган бино ва иншоотлар учун **2024 йил 1 декабргача** ва ер участкалари учун **2030 йил 1 декабргача** этиб белгилансин. Бунда мазкур қоида қуидаги талабларга жавоб берадиган ташқи реклама объектларига татбиқ этилади:

ташқи реклама бўйича тегишли тўлов ва йиғимлардан охирги беш йил муддат учун қарздорлиги мавжуд бўлмаганда;

реклама жойининг паспорти ва техник хавфсизлик талабларига мувофиқ ўрнатилганлиги ҳакида тегишли лицензияга эга бўлган ваколатли ташкилотнинг жорий йилдаги хulosаси мавжуд бўлганда;

рекламадан холи худудларда жойлаштирилмаганда, жамоат транспорти тўхташ бекатлари бундан мустасно;

реклама жойлаштириш ҳукукни белгиловчи ҳужжатларининг электрон нусхалари тақдим қилинганда;

б) илгари берилган реклама жойининг паспорт эгалари томонидан **2024 йил 1 марта қадар** уларни янги шаклдаги реклама жойининг паспортига алмаштириш учун ЯИДХП ахборот тизими орқали ариза топширилади.

Белгилансинки, мазкур банднинг “б” кичик бандида кўрсатилган муддатда янги шаклдаги реклама жойининг паспортига алмаштириш учун ариза топширилмаганда, ушбу паспортлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

**6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари 2023 йил 1 декабрга қадар:**

ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ва улардан фойдаланиш қоидалари ҳамда уларни ўрнатиш чизмалари тасдиқланишини таъминласин;

Кўмита билан биргаликда ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш учун шартнома оммавий офертасининг намунавий шаклини ишлиб чиқсин.

**7. Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) билан биргаликда 2023 йил 1 декабрга қадар “Ташқи реклама” рақамли мониторинг электрон тизими (кейинги ўринларда – электрон тизим) ишга туширилишини таъминласин.**

Бунда:

электрон тизимни жорий этиш ва техник қўллаб-қувватлаш учун – **Департамент**;

электрон тизим ишлашини таъминлаш бўйича ишларни мувофиқлаштириш учун – **Рақамли технологиялар вазирлиги** масъул ва жавобгар ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда электрон тизим жорий этилишига “Рақамли ҳудуд” дастури доирасида **Департамент ҳузурида ташкил этиладиган ҳудудий лойиҳа оғислари** масъул этиб белгилансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг ташқи рекламани мувофиқлаштириш бўлинмалари Департамент ҳузуридаги ҳудудий лойиҳа оғислари билан биргаликда электрон тизимни юритсин.

**8. Белгилансинки:**

электрон тизимни ишга тушириш ва техник жиҳатдан қўллаб-қувватлаш **Департаментнинг маблағлари** ҳисобидан амалга оширилади;

электрон тизим “E-auksion” электрон савдо платформаси ва **ЯИДХП** ахборот тизимига интеграция қилинади;

электрон тизимдан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Кўмита, Департамент, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳамда Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси томонидан республиканинг барча ҳудудларида бепул фойдаланилади;

ташқи реклама ва ахборот обьектларида (конструкцияларида) ташқи реклама жойининг паспортини текшириш имконини берувчи **махсус QR-код** бўлиши шарт;

давлат мулки бўлган ер участкаларига ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳукуқини электрон онлайн-аукцион савдоларида ютиб олган аукцион ғолиби билан ушбу ер участкалари бўйича алоҳида ер ижараси шартномаси тузилмайди;

давлат мулки бўлган бино-иншоотларда ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳукуқини электрон онлайн-аукцион савдоларида ютиб олган аукцион ғолиби билан давлат мулки объектларини ижарага бериш шартномаси ижарага берувчи ва ижарачи ўртасида электрон шаклда (шу жумладан, электрон рақамли имзо орқали) солиқ органларининг “E-Ijara” ахборот тизими орқали тўғридан-тўғри икки томонлама тузилади.

Бунда **2023 йил 1 декабрдан** бошлаб ижара ҳақининг ставкалари бир квадрат метр учун Тошкент шаҳрида базавий ҳисоблаш миқдорининг **20 фоизи**, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар маъмурий марказларида **10 фоизи ҳамда** бошқа худудларда **7 фоизи** миқдорида белгилансин.

#### 9. Белгилансинки, **2023 йил 1 декабрдан бошлаб:**

ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) электрон аукцион савдоларига чиқаришнинг бошланғич нархи тасдиқланган йигим миқдорида белгиланади;

ташқи реклама ва ахборот обьекти (конструкцияси) электрон аукцион савдоларига алоҳида ёки бир нечта обьектлардан иборат лот шаклида қўйилади;

**йигим Тошкент шаҳрида** реклама майдонининг (сатҳининг) **бир квадрат метри** учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **7 фоизидан** ва **бошқа худудларда 5 фоизидан** кам бўлмаган миқдорда белгиланади. Бунда йигим хусусийлаштирилган, ижарага берилган ёки нодавлат ташкилотларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкалари, шунингдек, хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоотлардаги ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) учун ҳам татбиқ этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан туман ва шаҳарларнинг иқтисодий ривожланишидан келиб чиқиб, йигим миқдорини белгилаш ҳамда уларга **0,5 дан 3,0 гача** бўлган камайтирувчи ва оширувчи коэффициентларни қўллаш тавсия этилади;

транспорт воситаларида (йўналишлардаги автобуслар бундан мустасно) реклами жойлаштириш учун йигим миқдори уларнинг тоифасидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланади;

ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатишга бўлган ҳуқуқ учун ойлик йигимлардан тушадиган маблағлар 2-иловага мувофиқ тақсимланади.

Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Солик қўмитасига йифимни ундириш чораларини кўриш вазифаси юклансин.

**10. Ташқи реклама ва ахборот обьекти (конструкцияси) эгаларининг ахборот ҳавфсизлиги юзасидан масъулиятини ошириш ва ташқи реклама соҳасини тартибга солиш мақсадида куйидагилар жорий этилсин:**

ташқи реклама ва ахборот обьектларида (конструкцияларида) **сиёсий мақсадларга мўлжалланган ахборот** факат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига рўйхатга олинган сиёсий партияларнинг, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг буюртмасига асосан жойлаштирилади;

**йўл қатнов қисмида жойлашган бино ва инишоотларнинг ташқи қисмида** ҳар қандай турдаги шахсий эълонларни жойлаштиришга йўл қўйилмайди;

юридик ёки жисмоний шахс томонидан бошқа юридик ва жисмоний шахслар ҳамда жамоатчилик эътиборини жалб қилиш мақсадида жойлаштирилган, реклама тусиға эга бўлмаган, умумий майдони бир квадрат метрдан кўп бўлган эълонлар ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) сифатида эътироф этилади ҳамда улар учун белгиланган тартибда реклама жойининг паспорти расмийлаштирилади.

**11. Ижтимоий ахборотнинг айланиш соҳасидаги барча муносабатларни тартибга солувчи комиссия таркиби** З-иловага мувофиқ тасдиқлансан ин ва унга куйидагилар юклансин:

ижтимоий ахборотнинг айланиш соҳасидаги давлат сиёсатини амалга ошириш;

ҳар йили 1 декабрга қадар республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан кейинги йилда эълон килинадиган ижтимоий ахборот дастурини тасдиқлаш;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан тайёрланган ижтимоий ахборот жойлаштириладиган жойлар ва уларнинг графигини тасдиқлаш;

ижтимоий ахборотни тайёрлаш ва тарғибот жараёнларини назорат қилиш;

оммавий ахборот воситалари, ташқи реклама ва ахборот тарқатувчилар томонидан ижтимоий ахборотни жойлаштириш ҳамда тарқатиш тартибини белгилаш;

ижтимоий ахборот самарадорлиги натижалари юзасидан республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги **Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги** (кейинги ўринларда – Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги) ижтимоий ахборотнинг айланиш соҳасидаги барча муносабатларни тартибга солувчи комиссиянинг ишчи органи этиб белгилансин.

**12. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ижтимоий ахборотни тайёрлаш ва тарқатиш 4-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилсин.**

13. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ижтимоий ахборотни тайёрлаш бўйича шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

**а) теле ва радиоканалларда намойиш этиши (эшиттириш) жараёнида жойлаштириладиган ижтимоий ахборот бўйича:**

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ижтимоий ахборотни тайёрлаш учун Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ҳузуридаги Кинематография агентлигига (кейинги ўринларда – Кинематография агентлиги) буюртма беради;

буюртма асосида тайёрланадиган ижтимоий ахборот сценарийси муаллифи (муаллифлар жамоаси) ва сценарийга мувофиқ ижтимоий ахборотни тасвирга оловчи ташкилот алоҳида танлов ўtkазиш орқали аникланади;

ҳар бир ижтимоий ахборот учун Кинематография агентлиги Бадиий кенгаши томонидан шакллантириладиган ижтимоий ахборотнинг бадиий-ғоявий мазмунини кўриб чиқувчи, зарур малака ва билимга эга беш нафардан ортиқ бўлмаган таркибда алоҳида маслаҳатчилар гурухи ташкил этилади. Бунда ушбу маслаҳатчилар гурухининг аъзолигига ижтимоий ахборотни ишлаб чиқариш учун буюртма берган ташкилотдан бир нафар ходим ажратилади;

буюртма асосида тайёрланадиган ижтимоий ахборотнинг харажатлар сметаси Кинематография агентлиги томонидан белгиланган талабларга мос келадиган аудиторлик ташкилотининг экспертизасидан ўtkазилади;

ижтимоий ахборот молиявий-иктисодий харажатларининг асослигига аудиторлик ташкилотининг хulosаси асосида Кинематография агентлиги ҳузурида фаолият юритувчи экспертлар кенгаши баҳо беради;

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар Кинематография агентлиги томонидан тайёрланган ижтимоий ахборотни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан келишилган ҳолда қабул қиласди;

**б) ташқи реклама орқали ёки веб-сайтларнинг ахборот ресурсларига жойлаштириладиган ижтимоий ахборот бўйича:**

республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ижтимоий ахборотни тайёрлаш бўйича буюртмаларни Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг маҳсус ахборот порталига жойлаштиради;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг маҳсус ахборот портали орқали ижтимоий ахборот бўйича жисмоний ва юридик шахслар томонидан берилган таклифлар танлов асосида танлаб олинади;

танлов якунлари бўйича танлаб олинган ижтимоий ахборотнинг муаллифига базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 бараваригача миқдорда пул мукофотлари тўлаб берилади;

в) ижтимоий ахборотни тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

14. Кўмитанинг оммавий ахборот воситалари, ташқи реклама ва ахборотни тарқатувчилар томонидан ижтимоий ахборот белгиланган талаблар асосида жойлаштирилмаганлиги учун базавий ҳисоблаш миқдорининг **20 бараваригача миқдорда молиявий жарима қўллаш тўғрисидаги таклифига** розилик берилсин.

15. Кўмита уч ой муддатда ушбу қарордан келиб чиқиб, қонунчилик хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

16. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги уч ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда ташқи реклама орқали ёки веб-сайтларнинг ахборот ресурсларига жойлаштириладиган ижтимоий ахборотни танлов асосида танлаб олишни таъминловчи маҳсус ахборот порталини ишга туширсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг 5-иловага мувофиқ айrim хужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

18. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ҳамда Кўмита оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифалари кенг ёритилишини ташкил этсин.

19. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчқоров ҳамда Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси Ш.Ш. Шарахметов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири



А. Арипов

**Ташки рекламани жойлаштириш соҳасини ривожлантиришининг  
МАҚСАДЛИ КЎРСАТКИЧЛАРИ**

T/р	Худудлар номи	2023-2025 йилларда янги ўрнатиладиган ташки реклама объектларининг (конструкциялари) прогнози*	2023 йилда				2024 йилда				2025 йилда			
			Жами	Аукционга чиқариладиган конструкциялар сони		ЯИДХП орқали бериладиган паспортлар бўйича конструкциялар сони	Жами	Аукционга чиқариладиган конструкциялар сони		ЯИДХП орқали бериладиган паспортлар бўйича конструкциялар сони	Жами	Аукционга чиқариладиган конструкциялар сони		ЯИДХП орқали бериладиган паспортлар бўйича конструкциялар сони
				LED экран сони	билборд сони			LED экран сони	билборд сони			LED экран сони	билборд сони	
<b>ЖАМИ</b>		<b>16 342</b>	<b>4 677</b>	<b>708</b>	<b>2 418</b>	<b>1 551</b>	<b>5 856</b>	<b>963</b>	<b>2 950</b>	<b>1 943</b>	<b>5 809</b>	<b>805</b>	<b>2 843</b>	<b>2 161</b>
1	Корақалпогистон Республикаси	577	113	23	80	10	145	29	74	42	319	31	223	65
2	Андижон вилояти	558	149	36	98	15	189	46	123	20	220	60	130	30
3	Бухоро вилояти	1 344	306	22	86	198	505	38	107	360	533	35	105	393
4	Жиззах вилояти	208	74	22	42	10	86	32	42	12	48	28	5	15
5	Қашқадарё вилояти	526	116	19	87	10	185	24	149	12	225	15	195	15
6	Навоий вилояти	152	65	14	36	15	78	18	45	15	9	2	5	2
7	Наманган вилояти	419	113	22	81	10	156	30	101	25	150	30	90	30
8	Самарқанд вилояти	5 339	1 397	182	460	755	1 729	257	564	908	2 213	362	754	1 097
9	Сурхондарё вилояти	341	147	47	95	5	123	26	95	2	71	6	60	5
10	Сирдарё вилояти	257	73	24	45	4	83	15	62	6	101	16	77	8
11	Тошкент вилояти	568	211	43	89	79	192	53	104	35	165	50	70	45
12	Фарғона вилояти	566	184	26	133	25	233	24	173	36	149	6	102	41
13	Хоразм вилояти	239	81	16	50	15	102	21	61	20	56	14	27	15
14	Тошкент шаҳри	5 248	1 648	212	1 036	400	2 050	350	1 250	450	1 550	150	1 000	400

\* ) Корақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан 2023 йил 1 декабрга қадар ўтказилган хатлов натижаларига кўра, қонунчилик талабларига жавоб бермайдиган конструкцияларнинг қайта расмийлаштирилиши ҳисобга олинмайди.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “ЗГ” августдаги 428-сон қарорига  
2-илова

**Ташқи реклама объектини ўрнатишга бўлган хуқуқ учун  
ойлик йиғимлардан тушадиган маблағларнинг  
ТАҚСИМОТИ**

Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши
I.	<b>Ташқи реклама объектини ўрнатишга бўлган хуқуқ учун ойлик йиғимлардан тушадиган маблағлар бўйича:</b>	
1.1.	<b>Тошкент шаҳрида:</b>	
a.	30 фоизи	Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига
б.	20 фоизи	Тошкент шаҳар ҳокимлиги хузуридаги Рақамли ривожланиш департаментининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварафига
в.	20 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига, шундан жами йиғим суммасининг 5 фоизи – унинг хузуридаги “Рақамли трансформация ва аутсорсинг маркази” давлат унитар корхонасига
г.	10 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига
д.	20 фоизи	Тошкент шаҳар ҳокимлиги хузуридаги Тошкент шаҳрини ривожлантириш жамғармасига
1.2.	<b>Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда:</b>	
a.	60 фоизи	Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар маҳаллий бюджетига, шундан жами йиғим суммасининг 10 фоизи – Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига
б.	30 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси хузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига, шундан жами йиғим суммасининг 5 фоизи – унинг хузуридаги “Рақамли трансформация ва аутсорсинг маркази” давлат унитар корхонасига
в.	10 фоизи	Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига

Т/р	Фоиз	Маблағ йўналтирилиши
1.3.	<b>Автомобиль йўлларининг ажратилган минтақаларида жойлашган ер участкаларида ва иншоотларида:</b>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига, шундан жами йигим суммасининг 10 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига ҳамда 5 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари махсус жамғармаларига</p>
а.	50 фоизи	<p>Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига</p>
б.	10 фоизи	<p>Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасини ривожлантириш ва фаолиятини қўллаб-қувватлаш жамғармасига</p>
в.	35 фоизи	<p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаментининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварағига</p>
г.	5 фоизи	<p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаментининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварағига</p>
II.	<b>Транспорт воситаларида жойлаштириладиган ташқи рекламадан тушадиган маблағлар (йўналишлардаги автобуслар бундан мустасно) бўйича:</b>	<p>Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетига, шундан жами йигим суммасининг 10 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликларининг бюджетдан ташқари жамғармаларига ҳамда 5 фоизи Қорақалпоғистон Республикаси Транспорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар транспорт бошқармалари махсус жамғармаларига</p>
а.	60 фоизи	<p>Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига</p>
б.	25 фоизи	<p>Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига</p>
в.	10 фоизи	<p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаментининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварағига</p>
г.	5 фоизи	<p>Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаментининг бюджетдан ташқари ғазна ҳисобварағига</p>

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “ЗГ” августдаги 428-сон қарорига  
3-илова

**Ижтимоий ахборотнинг айланиш соҳасидаги  
барча муносабатларни тартибга солувчи  
КОМИССИЯ ТАРКИБИ**

- |                       |   |
|-----------------------|---|
| 1. А.Н. Арипов        | – Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири,<br><i>Комиссия раҳбари</i>  |
| 2. А.К. Қодиров       | – Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси<br>Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,<br><i>Комиссия раҳбари ўринбосари (келишув<br/>асосида)</i> |
| 3. А.А. Ходжаев       | – Ахборот ва оммавий коммуникациялар<br>агентлиги директори, <i>Комиссия ўринбосари</i>   |
| 4. Ш.Ш. Шорахметов    | – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар<br>хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси  |
| 5. М.П. Оллоёров      | – Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги<br>директори  |
| 6. Ж.Т. Мирзамахмудов | – энергетика вазири   |
| 7. П.Р. Бобоҷонов     | – ички ишлар вазири   |
| 8. А.Ж. Ташқулов      | – адлия вазири  |
| 9. А.А. Абдуҳакимов   | – экология, атроф-мухитни мухофаза қилиш<br>ва иқлими ўзгариши вазири   |
| 10. Ш.Р. Ҳамраев      | – сув хўжалиги вазири   |
| 11. А.Ш. Иноятов      | – соғлиқни сақлаш вазири  |
| 12. Ҳ.Ў. Умарова      | – мактабгача ва мактаб таълими вазири   |
| 13. А.И. Икрамов      | – ёшлар сиёсати ва спорт вазири   |
| 14. О.А. Назарбеков   | – маданият вазири   |
| 15. Б.И. Закиров      | – курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги<br>вазири   |
| 16. А.Б. Воитов       | – қишлоқ хўжалиги вазири  |

- 17. Л.Ш. Кудратов
  - инвестициялар, саноат ва савдо вазири
- 18. И.И. Норқулов
  - иқтисодиёт ва молия вазирининг биринчи ўринбосари
- 19. М.М. Ходжиматов
  - Республика Маънавият ва маърифат маркази директори
- 20. Ф.Ф. Абдухаликов
  - Маданият вазирлиги хузуридаги Кинематография агентлиги бош директори
- 21. А.К. Кўчимов
  - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори
- 22. А.Ж. Ходжаев
  - Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси
- 23. Ш.Т. Кудратхўжа
  - Ўзбекистон Миллий медиа ассоциацияси раиси

*Изоҳ. Комиссия аъзоси бошқа ишига ўтган тақдирда, унинг таркибига ушибу лавозимга янги тайинланган ёки тегишли функцияларни бажарии з иммасига юкланган шахслар киритилади.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “ЗГ” августдаги 428-сон қарорига  
4-илова

**Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан ижтимоий ахборотни тайёрлаш ва тарқатиш СХЕМАСИ**

Босқичлар	Масъуллар	Чора-тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ижтимоий ахборотнинг айланиш соҳасидаги барча муносабатларни тартибга солувчи комиссия	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар томонидан эълон қилинадиган ижтимоий ахборот дастурини тасдиқлайди.	2023 йил 1 октябрга қадар, кейинги йилларда 1 декабрга қадар
2-босқич	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар	1. Ижтимоий ахборотни тайёрлаш учун буюртма беради. 2. Тайёр бўлган ижтимоий ахборотни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан келишилган ҳолда қабул қиласи. 3. Ижтимоий ахборотни оммавий ахборот воситалари, ташки реклама ва ахборотни тарқатувчиларга эълон қилиш (жойлаштириш) учун юборади.	Ижтимоий ахборот дастури тасдиқлангандан сўнг 30 кун ичида
3-босқич	Оммавий ахборот воситалари, ташки реклама ва ахборотни тарқатувчилар	Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ҳамда бошқа ташкилотлар тақдим этган ижтимоий ахборотни белгиланган график асосида тарқатади.	Комиссия томонидан белгиланган график асосида
4-босқич	Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси	Оммавий ахборот воситалари, ташки реклама ва ахборотни тарқатувчилар томонидан ижтимоий ахборотни белгиланган талабларда жойлаштирилишини назорат қиласи.	Доимий равища

Вазирлар Маҳкамасининг  
2023 йил “31” августдаги 428-сон қарорига  
5-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи рекламани жойлаштириш соҳасидаги фаолиятни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 30 августдаги 702-сон қарорида:

а) 1-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“1. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 декабрдан бошлаб:

ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш хуқуки “E-auksion” электрон савдо платформасида очиқ электрон аукционлар орқали берилади;

“E-auksion” электрон савдо платформасида очиқ электрон аукционлар орқали берилган ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ер участкаларида, шунингдек, давлат мулки бўлган бино ва иншоотларда жойлаштириш хуқуки учун шартномалар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ёки улар ваколат берган ташкилот томонидан тузилади;

ижтимоий реклама маълумотини жойлаштиришнинг энг кам муддати ҳар бир ташқи реклама обьекти бўйича ҳисоблаб чиқилади”;

б) 2 ва 3-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 4-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“4. Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Маданият вазирлиги, Транспорт вазирлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлиги туманлар (шаҳарлар)да жойлашган давлат ҳокимияти органлари бинолари, маданий-тарихий ва диний обьектларда рекламадан холи худудларни аниқлашда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига кўмаклашади”;

г) 5-банднинг учинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ташқи реклама обьектлари реклама жойининг паспорти берилган кундан эътиборан олти ой ичida ўрнатилмаган тақдирда, реклама жойининг паспорти бекор қилинади”;

д) 6-бандидаги “, шу жумладан, “Тасвирий ойина” ижодий уюшмаси ва унинг ҳудудий филиаллари Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва (ёки) унинг ҳудудий органларидан” сўзлари “Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳузуридаги “Рақамли трансформация ва аутсорсинг маркази” давлат унитар корхонасидан шартномага асосан” сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 8-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8. Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал вазирлиги бош режалар, батафсил режалаштириш лойиҳалари ва бошқа шаҳарсозлик хужжатлари ишлаб чиқилган тақдирда, ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмасида кўрсатилган ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) қурилиш жойларига киритилишини шунингдек, биноларни куриш (таъмирлаш) бўйича лойиҳа-смета хужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилишини ҳамда ташқи реклама ва ахборот объектларининг (конструкцияларининг) шаҳарсозлик норма ва қоидалари талабларига мувофиқлиги юзасидан Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тегишли хулосалар берилишини таъминлайди”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбек цирк санъатини янада ривожлантириш ва “Ўзбек давлат цирки” давлат муассасаси фаолиятини қўллаб-кувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 23 январдаги 55-сон қарорига илованинг 11-позицияси чиқариб ташлансин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида” 2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарорида:

а) 1-бандда:

иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) қуриш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофик”;

учинчи ва тўртинчи хатбошилар чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши – учинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

учинчи хатбошидаги қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламенти 5-иловага мувофик”;

қуйидаги мазмундаги тўртинчи – олтинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

“Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаларини шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага мувофик”;

Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ҳукукини расмийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг маъмурий регламенти 7-иловага мувофик;

Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) демонтаж қилиш ва демонтаж қилинган конструкцияларни сақлаш тартиби тўғрисидаги низом 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин”;

б) 2-бандда:

“а”, “в”, “г”, “е” ва “и” кичик бандлар чиқариб ташлансин;

“з” кичик банд чиқарып ташлансин;

“д” кичик банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“д) миллий байрамлар, хорижий давлатлар раҳбарларининг давлат ташрифлари ва бошқа давлат тадбирлариға оид ахборот ташқи реклама ва ахборот объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилганда, ташки реклама ва ахборот объектини (конструкциясими) ўрнатиш ва унда реклами жойлаштиришга бўлган ҳукуқ учун ягона ойлик йифим (кейинги ўринларда – йифим) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли қарорига биноан жойлаштирилган кунларга мутаносиб равишда камайтирилади”;

“ж” кичик банд қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“ж) мазкур қарор талаблариға мувофиқ ҳолда битта реклама жойида бир нечта ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) қурилганлиги ёки улар ўртасида оралиқ масофага риоя қилинмаганлиги ҳамда улар турли тадбиркорлик субъектлариға тегишли эканлиги аниқланган тақдирда, ушбу жойга қайта электрон аукцион ўтказиш орқали фақат битта реклама жойининг паспорти берилади”;

в) 3, 4 ва 5-банлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

г) 6-банда:

биринчи хатбошидаги “Туманлар (шаҳарлар) ҳокимликлари:” сўzlари “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:” сўzlари билан алмаштирилсан:

учинчи хатбоши чиқарып ташлансин;

тўртинчи – еттинчи хатбошилар учинчи – олтинчи хатбошилар деб ҳисоблансан;

тўртинчи хатбоши қуидаги таҳрирда баён этилсан:

“ташқи реклама ва ахборот объектларида (конструкцияларида) жойлаштирилган ижтимоий ахборотлар ҳисобини юритиши”;

олтинчи хатбошидаги “Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши курашиш қўмитасининг худудий бошқармалариға” сўzlари “Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг худудий органлариға” сўzlари билан алмаштирилсан;

д) 7, 8 ва 9-банлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансан;

е) қуидаги мазмундаги 9<sup>1</sup> – 9<sup>7</sup>-банлар билан тўлдирилсан:

“9<sup>1</sup>. Белгилансинки, “Ташқи реклама” рақамли мониторинг электрон тизими (кейинги ўринларда – электрон тизим) доирасида:

а) Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳукуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси (кейинги ўринларда – Кўмита):

электрон тизимга мулк ҳукуқи асосида эгалик қиласи ва тизим фойдаланувчиларидан келиб тушган таклифлар асосида ҳамда ўзининг ташаббуси билан электрон тизими янада такомиллаштириш ва модернизация қилиш юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги Рақамли ривожланиш департаментига (кейинги ўринларда – Департамент) тўғридан-тўғри буюртма беради;

маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа давлат органлари ва ташкилотларининг электрон тизимдан самарали фойдаланишларини таъминлайди;

ташқи реклама бозори иштирокчилари, манфаатдор давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда электрон тизимнинг бошқа фойдаланувчиларининг электрон тизимдан мажбурий фойдаланиши ҳамда ташқи рекламини жойлаштиришни тартибга солувчи ҳужжатларида белгиланган тартиб ва муддатларга қатъий риоя этишини назорат қиласди;

**б) Департамент:**

электрон тизим оператори сифатида уни ишлаб чиқади, жорий этади, шунингдек, техник жиҳатдан доимий равишда қўллаб-қувватлади;

электрон тизимдаги маълумот ва ахборотларнинг тўлиқ сакланишини ва узлуксиз ишлашини, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда ахборот хавфсизлигини таъминлайди;

электрон тизимнинг операторлик хуқуқини Кўмитанинг розилигисиз учинчи шахсларга тақдим этилмаслик чораларини кўради;

Кўмитанинг буортмаси асосида электрон тизимни такомиллаштириш чораларини кўради ва электрон тизим фойдаланувчиларига доимий техник ёрдам кўрсатади.

**9<sup>2</sup>. Белгилансинки, электрон тизим доирасида:**

ташқи реклама ва ахборот объектларининг (конструкцияларининг) ўрнатиш чизмасидаги жойлашуви, эгаси ҳақидаги, ойлик йиғимлар тўғрисидаги ва бошқа маълумотлар онлайн электрон базани юритиш орқали ташқи реклама ва ахборот объектларининг (конструкцияларининг) ҳисоби юритилади ҳамда ягона электрон реестр шакллантириб борилади;

ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) эгалари учун шахсий кабинетлар очилиб, уларнинг Кўмита, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Автомобиль йўллари кўмитаси билан бўладиган барча муносабатлари, шу жумладан, реклама эскизларини экспертизадан ўтказиш жараёни электрон тизим орқали амалга оширилади;

ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси ҳамда унга киритиладиган ўзгаришлар электрон тизимга киритилади;

тўловлар фақат электрон тизим орқали ўтказилади ва уларнинг биллинги юритилади;

электрон тизимда реал вақт режимида ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш учун рухсат бериш жараёнларининг босқичлари, фаоллик ҳолати мониторинг қилинади;

транспорт воситаларида жойлаштириладиган ташқи реклама ва ахборот объектларини жойлаштириш намунавий эскизлари ва ўрнатиш тартиблари киритилади;

электрон тизим орқали берилган реклама жойларининг паспортлари реестри юритилади.

9<sup>3</sup>. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2023 йил 1 декабрдан бошлаб:

а) ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмалари, шунингдек, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан кўриб чиқилиб, маъқуллангандан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади;

б) ташқи реклама ва ахборот обьектини (конструкциясини) ўрнатиш ҳамда унда реклами жойлаштиришга бўлган ҳукуқ учун ягона ойлик йигим миқдори Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар халқ депутатлари Кенгашлари томонидан белгилангандан бошлаб 15 кундан кейин кучга киради;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш тартиби ҳамда уларга қўйиладиган талаблар ва техник регламент тасдиқлангандан сўнг бир йил ичида ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) белгиланган янги тартибга мослаштирилади;

г) ташқи реклама ва ахборот обьектларига (конструкцияларига) реклами жойлаштириш ва реклама жойининг паспортида кўрсатилган ер участкасидан, бинодан ёки иншоотдан вақтинча фойдаланиш имкони бўлмаган тақдирда, маҳаллий ҳокимликлар ёзма кўрсатмасига кўра ушбу обьектни реклама қўйилиши тўхтатилган ва бошланган ойлар учун йигимни тўлашдан озод қилган ҳолда, вақтинча демонтаж қилиш тартиби жорий этилади;

д) ер участкасида қурилиш ишлари ҳамда бинолар ва иншоотларда реконструкция-таъмирлаш ишлари тугалланганидан сўнг ёки ташқи реклама ва ахборот обьектининг (конструкциясининг) демонтаж қилинишига сабаб бўлган бошқа сабаблар бартараф этилганидан кейин ташқи реклама ва ахборот обьектини (конструкциясини) аввалги жойига ўрнатиш имконияти мавжуд бўлмаса, амалдаги ташқи реклама ва ахборот обьекти (конструкцияси) ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмасидан чиқариб ташланади ва тегишли reklama жойининг паспорти бекор қилиниб, ушбу обьект эгасига унинг танловига кўра келгусида электрон аукцион орқали олинган ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) бўйича тегишли муддатга йигимни тўлашдан озод қилиш йўли билан ҳам компенсация қилиниши мумкин.

9<sup>4</sup>. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ташқи реклами жойлаштириш соҳасига оид вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида Департаментга қуидаги вазифалар юклансин ва ваколатлар берилсин:

давлат мулки бўлган ер участкаларига, биноларга ҳамда иншоотларга ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) ўрнатиш ва унда рекламани жойлаштиришга бўлган ҳукукни олиш учун ягона электрон савдо майдончаси орқали очиқ электрон аукционлар асосида танловлар ўтказилиши;

рекламага оид фаолият субъектларига ташқи реклама ва ахборот объектларидан (конструкцияларидан) фойдаланиш билан боғлик хужжатлар ва материалларни белгиланган муддатларда тақдим этишга доир сўров юборилиши;

қонунчиликка мувофик ташқи реклама ва ахборот объектларининг (конструкцияларининг) реклама жойлари паспорти берилиши ҳамда мулкчилик шаклидан қатъи назар ер участкаларига, биноларга ва иншоотларга ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) ўрнатиш ва унда рекламани жойлаштиришга бўлган ҳукуқ учун шартномалар тузилиши;

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарори билан Тошкент шаҳар ҳокимлигига ташқи реклама соҳасида юклangan бошқа вазифалар ҳам амалга оширилиши мумкин.

**9<sup>5</sup>. Белгилансинки:**

**а) 2023 йил 1 декабрдан бошлаб:**

йиғим тўловлари биллинг тизими орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг шахсий ғазна ҳисобваракларига амалга оширилади;

тадбиркорлик субъектлари томонидан реклама жойининг паспортини бошқа тадбиркорлик субъектлари номига қайта расмийлаштириш тақиқланади;

электрон аукцион якунига кўра ғолиб деб топилган иштирокчи беш иш кунида йиғимнинг уч ойлик микдорини олдиндан тўлаши ҳамда жисмоний шахс ғолиб деб топилган тақдирда, белгиланган тартибда якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтиши шарт;

ягона электрон савдо майдончаси оператори томонидан электрон аукцион якунига кўра ғолиб деб топилган иштирокчининг номи, СТИРи ва бошқа реквизит маълумотлари электрон тизимга автоматик равишда юборилиши шарт;

**б) видео экранли (электрон дисплейли) ташқи реклама объектларини масофавий бошқариш имкониятини яратувчи платформага уланишига рухсат берилади, бунда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига очиқ электрон танловлар асосида ташқи рекламани масофавий бошқариш хизматини кўрсатиш имкониятига эга бўлган тадбиркорлик субъектларини танлаш ҳукуки берилади;**

в) илгари берилган реклама жойининг паспортини янги шаклдаги реклама жойининг паспортига алмаштиришда тегишли тўлов ва йигимлар бўйича тўланмаган қарздорлик суммаси аниқланганда тегишли давр учун қарздорлик Тошкент шаҳрида реклама майдонининг (сатхининг) бир квадрат метр учун базавий ҳисоблаш микдорининг 7 фоизи ва бошқа худудларда 5 фоизи микдорида ҳисобланади. Бунда Тошкент шаҳрида юқори технологияли конструкциялар (LED экран) учун 3 коэффициент ва бошқа худудларда 2 коэффициент қўлланилади;

9<sup>6</sup>. Белгилансинки, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ўз маъмурий худуди доирасида:

а) юқори технологияли ташқи реклама ва ахборот обьектларининг (конструкцияларининг) янги турларини ўрнатиш ҳамда улардан фойдаланишини рағбатлантириш тартибини белгилайди;

б) ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаларини, жойлаштириш тартибини, оралиқ масофаларини, турлари ва уларга қўйиладиган бошқа талабларни ўзлари ишлаб чиқиб тасдиқлайди ва ташқи реклама ва ахборот обьектларининг (конструкцияларининг) намунавий тўплами асосида белгилайди;

в) ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси ҳамда унга киритиладиган ўзгартишларни ўзларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларида эълон қилиб боради;

г) ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) жойлаштириш учун ер участкасининг тижорат қийматини акс эттирувчи худудларнинг зоналар бўйича тақсимотини тасдиқлайди;

д) Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда тегишли ташкилот ва идоралар вакилларидан иборат маҳсус ишчи гуруҳлар тузади. Бунда:

маҳсус ишчи гуруҳлар камида олти ойда бир марта барча турдаги ташқи реклама обьектларини (конструкцияларини) ушбу қарор талабларига мувофиқлиги юзасидан хатловдан ўтказиши ҳамда жойлаштирилган ташқи реклама ва ахборот обьектларининг (конструкцияларининг) қонунчилик талабларига мувофиқлигини ўрганиши таъминлайди;

е) маҳсус ишчи гуруҳларнинг берган хулосалари ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) учун берилган реклама жойининг паспортларини (ёки унга тенглаштирилган ҳужжатларни) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг тегишли қарорлари билан бекор қилиш учун асос бўлади.

Бунда маҳсус ишчи гуруҳларнинг тегишли хулосаларига кўра хулоса олинган кундан бошлаб бир ой ичида реклама жойининг паспортлари (ёки унга тенглаштирилган ҳужжатлар) қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламентида назарда тутилган талабларга номувофиқ бўлганда;

реклама тарқатишдан бошқа мақсадда фойдаланилганда;

реклама жойининг паспорти берилган кундан эътиборан олти ой ичida ўрнатилмагандা;

ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмасига номувофиқ бўлганда ёки унга киритилмагандা;

ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмагандা;

реклама жойи паспорти эгасининг паспортни ва тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси мавжуд бўлганда;

ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) учун берилган реклама жойининг паспорти (ёки унга тенглаштирилган ҳужжатлар) қалбакилаштирилганда ёки асоссиз ўзлаштирилганда ёхуд бир шахснинг номига расмийлаштирилиб, бошқа шахс томонидан фойдаланилаётганда ёки ваколатга эга бўлмаган орган томонидан берилганда;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолатларда;

ж) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари реклама жойи паспортларини бекор қилиш тўғрисидаги қарорларини маҳсус веб-сайтларига уч иш куни ичida жойлаштириши шарт ва шу билан реклама жойи паспорт эгалари ушбу қарор тўғрисида хабардор қилинган деб ҳисобланади.

9<sup>7</sup>. Рекламага оид фаолият субъектларига реклама тўғрисидаги қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш ва улар томонидан реклама тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиш ҳолатларини аниқлаш ва бартараф этиш чораларини кўриш бўйича Кўмита хузуридаги “Рақамли трансформация ва аутсорсинг маркази” давлат унитар корхонасига қўшимча ваколатлар берилсин”;

ж) 1-иловада:

1-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳrirда баён этилсин:

“1. Ушбу Низом ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) умумий жойлаштириш, шу жумладан, бинолар ташқи қисмида ўрнатиш тартибини, шунингдек, шаҳар ёки ҳудудлар ижтимоий фаоллигини, тарихий-маданий қийматини ҳисобга олган ҳолда ўрнатиладиган реклама объектларининг (конструкцияларининг) турлари ва кўринишларини, дизайннерлик ечимлари ва реклама объектлари (конструкциялари) ўлчамларини тавсиявий тартибда белгилаб беради. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишинча ўз маъмурий ҳудудларида ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш тартиби, турлари ва уларга кўйиладиган бошқа талабларни ўзлари ишлаб чиқиб тасдиқлаган Ташқи реклама объектлари намунавий тўплами асосида белгилаш ҳукуқига эга”;

1-банд қуйидаги таҳрирдаги еттинчи хатбоши билан түлдирилсін:

“Ташқи реклама ва ахборот объектларида (конструкцияларида) ташқи реклама жойи паспортини текшириш имконини берувчи маҳсус QR-код бўлиши шарт”;

3-бандда:

саккизинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

**ёруғлик қутиси** – ташқи рекламани жойлаштириш ва ундан фойдаланиш учун маҳсус ишлаб чиқилган техник восита бўлиб, ер майдонида, бино (иншоот) юзасида, тўсиқлар ёки алоҳида устунларда қотирилади ва ички ёритгичли бир ёки бир нечта реклама майдонларига эга;

ўн учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

**“ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари)** – ташқи рекламани жойлаштириш (тарқатиш) учун маҳсус ишлаб чиқилган ва қўлланиладиган воситалар, шунингдек, ахборотни аҳолига етказиш вазифасини бажарувчи техник воситалар (конструкциялар), пилонлар, кўчма реклама конструкциялари (устун, плакат), призматронлар, проекциявий конструкциялар, билбордлар, видеоэкранлар, электрон дисплейлар, ахборот объектлари ва бошқа техник воситалар;”

ўн бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

**“реклама жойининг паспорти** – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бериладиган хужжат бўлиб, ушбу хужжат юридик ва жисмоний шахсларнинг ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) унда кўрсатилган ер участкасига, бинога ёки иншоотга мулк шаклидан қатъи назар, ўрнатиш ҳуқуқини тасдиқлайди;”

йигирма саккизинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

йигирма тўққизинчи – ўттиз иккинчи хатбоши йигирма саккизинчи – ўттиз биринчи хатбоши деб ҳисоблансан;

5-бандда:

ўн иккинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

**“сениор (сити-борд)** – ўрта форматдаги алоҳида жойлашган, бир ёки икки томонли ахборот майдонидан ташкил топган, ҳар бир томоннинг ахборот майдони ўлчамлари эни 3-6 метр ва баландлиги 2-3 метр бўлган реклама конструкцияси. Реклама конструкциясининг ахборот майдони унинг барча томонлари йиғиндиси билан аниқланади”;

ўн еттинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсін:

**“стела** – йирик форматдаги, бир ёки бир нечта томонли, айланали горизонтал жойлашган ахборот майдонларидан ташкил топган, умумий ахборот майдони ўлчамлари эни 1,2-2 метр ва баландлиги 3-15 метр бўлган алоҳида вертикал турувчи реклама конструкцияси. Реклама конструкциясининг ахборот майдони унинг барча томонлари йиғиндиси билан аниқланади”;

10-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“10. Республика ҳудудида ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) маъмурий ҳудуддаги мавжуд биноларнинг ташқи меъморий кўринишига мос келиши керак.

Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмасига мувофиқ бўлиши керак”;

13-банднинг учинчи хатбошисидаги “техник чизмаси мавжуд бўлганда” сўзлари “техник хавфсизлик талабларига мувофиқ ўрнатилганлиги ҳақида тегишли лицензияга эга бўлган ваколатли ташкилотнинг жорий йилдаги хулосаси мавжуд бўлганда” сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг саккизинчи хатбошиси ва 17-банднинг иккинчи-тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин;

20, 26 ва 29-банлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

31-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“31. Реклама кўрсаткичлари реклама жойи паспорти олингандан сўнг ўрнатилади”;

33-35-банлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

38-банднинг олтинчи хатбошисидаги “5,5” рақамлари “1” рақами билан алмаштирилсин;

44 ва 49-банлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

50-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“50. Том устидаги (том усти конструкциялари) ташқи реклама объектларининг баландлиги бино умумий баландлигининг 1/3 қисмидан ошмаслиги ва электр таъминоти тармоғидан фавқулодда узилиш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак”;

51-банднинг иккинчи хатбошидаги “Ваколатли орган” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари” сўзлари билан алмаштирилсин;

52, 55, 61, 62 ва 66-банлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

71-банднинг иккинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

76-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“76. Ноқонуний жойлаштирилган рекламаларни демонтаж қилиш билан боғлиқ барча харажатлар уларнинг эгалари ҳисобидан қопланади”;

17-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“17-боб. Ер участкаларида жойлаштириладиган ташқи реклама ва ахборот объектларига (конструкцияларига) қўйилган талаблар”;

81-банднинг учинчи хатбоиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“лойиха хужжатлари ва конструкциянинг қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда бошқа норматив ҳужжатларга мувофиқ ўрнатилганлиги ҳақида тегишли лицензияга эга бўлган ваколатли ташкилотнинг жорий йилдаги хulosаси мавжуд бўлиши керак”;

18-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“18-боб. Ер участкаларида жойлаштириладиган ташки реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш талаблари”;

86-банднинг учинчи хатбоисидаги “туман (шаҳар) бўйича тузилган маҳсус ишчи гурӯҳларнинг хulosалари ҳамда” сўzlари чиқариб ташлансин;

87-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“87. Ташки реклама объектлари (конструкциялари) орасидаги масофалар нормативлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан тасдиқланади”;

88, 89 ва 90-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

93-банднинг бешинчи хатбоисидаги “ваколатли органни” сўzlари “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларини” сўzlари билан алмаштирилсин;

94-банднинг биринчи хатбоиси қуйидаги қуйидаги мазмундаги биринчи – ўнинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

“94. Ташки реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) учун берилган реклама жойининг паспорти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан қуйидаги ҳолларда бекор қилинади:

ташки реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламентида назарда тутилган талабларга номувофиқ бўлганда;

реклама тарқатишдан бошқа мақсадда фойдаланилганда;

реклама жойининг паспорти берилган кундан эътиборан олти ой ичida ўрнатилмаганда;

ташки реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмасига номувофиқ бўлганда;

моддий маданий мерос объектларига, йўл белгиларига ва светофорларга, уларнинг тиргакларига ёки ҳаракатни тартибга солиш учун мўлжалланган бошқа ҳар қандай қурилмага, шунингдек, туташ ҳудуддаги ободонлаштириш элементларини бузган ҳолда ҳамда йўлнинг қатнов қисмига чиқариб ўрнатилганда;

ўрнатилган ташки реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) учун тўлов ўз вақтида амалга оширилмаганда;

реклама жойи паспорти эгасининг паспортни ва тузилган шартномани бекор қилиш тўғрисидаги аризаси мавжуд бўлганда;

қонунчиликда белгиланган бошқа ҳолларда.

Реклама жойи паспорти бекор қилинган тақдирда, реклама жойининг паспортида кўрсатилган, давлат мулки бўлган ер участкаларига, биноларга ҳамда инишоотларга ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатишга бўлган хуқуқ ягона электрон савдо майдончаси орқали очик электрон аукционда сотувга қўйилади”;

иккинчи ва ўнинчи хатбошилар тегишлича ўн биринчи ва ўн иккинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

95 ва 96-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

97-банд куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“97. Ташқи рекламанинг ҳисоби тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан электрон тизим орқали юритилади”;

98-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

з) 2-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

и) 4-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

к) 5-иловада:

4-бандининг еттинчи хатбошиси куйидаги таҳрирда баён этилсин:

“ваколатли орган – Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари;”

35-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

л) қуйидаги мазмундаги 6-8 иловалар билан тўлдирилсин:

“Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарорига  
6-илова

### **Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларни) ўрнатиш чизмаларини шакллантириш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

1. Ушбу Низом мулкчилик шаклидан қатъи назар, ер участкаларида шунингдек, биноларда ёки бошқа кўчмас мулк объектларида жойлаштирилган ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмасини шакллантириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси/чизма – ўрнатилишига йўл қўйиладиган ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш жойларини белгилайдиган, уларнинг турлари, шакллари, техник тавсифлари, ахборот майдонларининг сатҳи кўрсатилган ҳолдаги маълумотларни ўз ичига олган ҳамда худудий режалаштириш чизмаси асосида ишлаб чиқиладиган ҳужжат;**

### **масъул органлар ва ташкилотлар:**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг худудий бошқармаларининг йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармалари;

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасининг (таркиблари бўйича) худудий органлари;

худудлар ва иншоотлардан алоҳида режим асосида фойдаланадиган ҳамда уларни эксплуатация қиласидиган ташкилотлар;

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг худудий органлари ҳузуридаги худудий ижара марказлари;

Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати;

муҳандислик коммуникация тармоқлари балансда сақловчилари;

**реклама жойининг паспорти –** Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан бериладиган ҳужжат бўлиб, ушбу ҳужжат юридик ва жисмоний шахсларнинг ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) унда кўрсатилган ер участкасига, бинога ёки иншоотга мўлкчилик шаклидан қатъи назар, ўрнатиш ҳуқуқини тасдиқлайди.

3. Ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) қуриш учун мўлжалланган ер участкалари, бино ва иншоотларнинг рўйхати, ташқи реклама ва ахборот обьектларининг (конструкцияларининг) намунавий дизайн кўриниши ҳамда ўлчамлари ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмасига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари, давлат ва нодавлат ташкилотларининг таклифлари, шунингдек, юридик ва жисмоний шахсларнинг таклифлари асосида киритилади.

Бунда ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмасини шакллантириш ёки унга ўзгартириш киритиш учун:

таклифлар ҳар йили 1 октябрдан 31 декабргача “Ташқи реклама” рақамли мониторинг электрон тизими орқали қабул қилинади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар Рақамли ривожланиш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) томонидан ҳар йили 1 марта қадар ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси шакллантирилади ёки унга ўзгартириш киритилади. Заруратга кўра чизмага ўзгартириш навбатдан ташқари киритилиши мумкин.

Ташаббускорларнинг таклифлари шаҳарсозлик нормалари асосида кўриб чиқилади ва келиб тушган таклифларнинг барчаси ҳам ер участкаларида, мулкдоридан қатъи назар, бино ва иншоотларда ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари)ни ўрнатиш ҳуқуқини бермайди.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкциялари)ни ўрнатиш учун ер участкалари, бино ва иншоотларни аниқлаш мақсадида ўз худудларини хатловдан ўтказади.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари ўз худудларини хатловдан ўтказиши мақсадида:

а) маҳсус жиҳозлардан фойдаланган ҳолда, кўчмас мулк обьектларини кўздан кечирадива мутахассисларни жалб қилади;

б) ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) ўрнатиладиган жойни (геолокация) ва манзилни аниқлаштиради;

в) ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) ўрнатиладиган жойларни ва обьектларни фотосуратга олади;

г) ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) таснифларга ажратади ва бошқа зарур маълумотларни тўплайди.

6. Ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси ҳудудларнинг алоҳида участкалари (кўчалар, автомобил йўллари, майдонлар ва бошқалар) бўйича ўзаро ҳудудий бўлинмаларга ажратилган кичик схемалардан иборат бўлади.

Ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси шаҳарсозлик режалаштириш ҳужжатларига мувофиқ бўлиши ҳамда мавжуд биноларнинг ташқи меъморий қиёфасига, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига, хавфсизлик талабларига риоя этилишини таъминлаши ҳамда реклама конструкцияларининг турлари ва шакллари, ахборот майдонларининг сатҳи ҳамда реклама конструкцияларининг техник тавсифлари кўрсатилган ҳолда реклама конструкцияларини ўрнатиш хариталарини ўз ичига олган бўлиши керак.

7. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимлари ва Тошкент шаҳрида Департамент томонидан ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмасига киритиш учун жойларни электрон тизим орқали қуидаги масъул орган ва ташкилотлар билан келишиш учун юборилади:

а) ташқи реклама ва ахборот обьекти ўрнатилиши режалаштирилаётган жойнинг ва ташқи реклама ва ахборот обьектларининг (конструкцияларининг) шаҳарсозлик нормаларига мослиги, асосий дизайн ечимлари ва реклама тузилмаларининг ўлчамлари бўйича – Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармаларига;

б) ташқи реклама ва ахборот обьекти ўрнатилиши режалаштирилаётган жойнинг ва ташқи реклама ва ахборот обьектларининг (конструкцияларининг) ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига мослиги бўйича – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳудудий бошқармалари йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлимларига;

в) ташқи реклама ва объектлари (конструкциялари) ўрнатилиши режалаштирилаётган жой ва ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) бўйича – ташқи реклама ва объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш кўзда тутилган жойни тасарруф этувчи ташкилотларга (тегишлилиги бўйича);

г) ташқи реклама ва объектлари (конструкциялари) ўрнатилиши режалаштирилаётган жой ва ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) юқори кучланишли электр узатиш тармоқлари, газ қувурлари ҳамда тегишли инфратузилма остида ва/ёки устида жойлашган бўлса, шунингдек, ер участкасини кавлаш ва ёки ер ишларига боғлик бошқа ишларни бажариш талаб этилса, бундай ишларни бажариш бўйича – муҳандислик коммуникация тармоқларини тасарруф этувчи ташкилотларга;

д) заруратга кўра тегишли ташкилотларга;

е) алоҳида режим асосида фойдаланадиган бино-иншоотларда ва маҳсус йўналишларда ташқи реклама ва объектлари (конструкциялари) ўрнатилиши режалаштирилаётган жойларни танлаш бўйича – тегишли ваколатли органларга.

Мазкур банднинг “а-г” кичик бандларида кўрсатилган масъул орган ва ташкилотлар уларга сўров келиб тушган кундан бошлаб ўн иш куни ичидаги электрон тизимга тегишли хulosани жойлаштириш орқали электрон рақамли имзо билан тасдиқлаган ҳолда, ташқи реклама ва объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш мумкинлигини келишиади ёки келишишни рад этади.

Белгиланган муддатда масъул орган ва ташкилотлар жавоб тақдим этмаган тақдирда, ташқи реклама ва ахборот обьектини (конструкциясини) ўрнатиш мумкинлиги тўғрисида хulosса олинган ҳисобланади.

Масъул орган ва ташкилотларнинг раҳбарлари ташқи реклама ва ахборот обьектини (конструкциясини) ўрнатиш бўйича ўз вақтида келишилиши ва хulosалар чиқарилиши, шунингдек, уларни ўз вақтида кўриб чиқмаслик оқибатлари учун шахсий жавобгарликни ўз зиммаларига олади.

8. Рекламадан ҳоли ҳудудлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ишлаб чиқилади ва Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, Туризм қўмитаси, Дин ишлари бўйича қўмита, Маданий мерос агентлиги ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг тегишли ҳудудий бўлинмалари билан келишилади. Бунда:

а) қўйидаги бино ва унинг ёндош ҳудудлари reklamadan ҳоли ҳудудлар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси;

Ўзбекистон Республикаси Олий суди;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган ҳудудлар;

маданий мерос ва диний объектлар;

б) ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) рекламадан холи ҳудудлар ер чегарасидан 50 метр ёки ундан кам бўлган масофада жойлаштиришга (куришга) йўл қўйилмайди;

в) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан келишиш учун юборилган сўровга тегишли давлат органлари томонидан ўн иш куни ичida хулоса берилиши шарт.

9. Ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) ўрнатиш учун жойлар барча тегишли ташкилотлар билан келишувлардан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳрида Департамент томонидан ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси ишлаб чиқилади.

10. Ишлаб чиқилган ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг ҳудудий органлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашлари билан келишилади.

Ижобий келишувдан кейин ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси лойиҳаси тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари қарори билан тасдиқланади.

11. Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси ҳамда унга киритиладиган ўзгартишлар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларида эълон қилинади.

12. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмаси тасдиқланганидан кейин ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш ҳуқуқи электрон аукционларда жойлаштирилади ёки ЯИДХП орқали белгиланган тартибда реклама жойининг паспортини расмийлаштириш орқали берилади.”;

**Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш  
хукуқини расмийлаштириш бўйича давлат хизматини кўрсатишнинг  
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Регламент юридик ва жисмоний шахсларга (кейинги ўринларда – ариза берувчи) тегишли бўлган:

хусусийлаштирилган, ижарага берилган ёки нодавлат ташкилотларга доимий фойдаланиш хукуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларида (кейинги ўринларда – ер участкаларида), шунингдек, транспорт воситаларида (йўналишлардаги автобуслар бундан мустасно) ҳамда хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоатларда ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) ўрнатиш учун **реклама жойининг паспортини расмийлаштириш**;

илгари берилган ва амал қилиш муддати белгиланмаган реклама жойи паспортларининг **амал қилиш муддатини белгилаш**;

**илгари берилган реклама жойи паспортларини янги шаклдаги паспортга алмаштириш бўйича давлат хизматини (кейинги ўринларда – давлат хизмати) кўрсатиш тартибини белгилайди.**

Илгари берилган реклама жойи паспортлари эгалари 2024 йил 1 марта қадар уларни янги шаклдаги паспортга алмаштириш учун ЯИДХП ахборот тизими орқали ариза топшириши шарт ва ушбу муддатларда янги шаклдаги паспортларга алмаштириш учун ариза топширилмагандан, ушбу паспортлар ўз кучини йўқотган деб ҳисобланади.

2. Реклама жойининг паспорти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳрида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаменти (кейинги ўринларда – Департамент) томонидан берилади.

Транспорт воситаларида ташқи реклама ва ахборотни ўрнатиш учун реклама жойининг паспорти Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳрида Департамент томонидан Ички ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда бир йил муддатга берилади.

Реклама жойининг паспорти “Ташқи реклама” рақамли мониторинг электрон тизимида автоматик равишда шакллантирилади.

3. Давлат хизмати Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда – ЯИДХП) орқали Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳрида Департамент томонидан кўрсатилади.

4. Давлат хизмати мазкур Регламентнинг 1-иловасига мувофиқ схема асосида кўрсатилади.

5. Юридик ёки жисмоний шахслар ер участкалардаги, шунингдек, хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоотлардаги реклама жойининг паспортини ер участкалари, бинолар ҳамда иншоотларнинг мулқдорлари билан тузилган шартномалар асосида олиш ҳуқукига эга бўлади. Бунда реклама жойининг паспорти ушбу шартномаларда белгиланган муддатга берилади, бироқ бу муддат ўн йилдан ошиши мумкин эмас.

## **2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби**

6. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ҳамда ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган сўровномани мустақил равишда электрон шаклда тўлдиради.

Бунда сўровномага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) ер участкаларида, шунингдек, хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоотларда ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) ўрнатиш учун реклама жойининг паспортини расмийлаштириш учун:

ташқи реклама ва ахборот объектининг (конструкциясининг) эскиз лойиҳаси (эскиз лойиҳада техник хусусиятлари акс эттирилади ва ўрнатиш манзили ҳамда ўрнатиш чизмасидаги реклама жойининг рақами белгиланади);

ташқи реклама ва ахборот объекти (конструкцияси) ўрнатиладиган жойининг охирги бир ҳафта ичida олинган фотосуратлари (JPEG форматида);

кадастр ҳужжатлари;

ер участкалари, бинолар ҳамда иншоотларнинг мулқдорлари билан тузилган шартномалар (ариза берувчи мулқдор бўлмаган тақдирда);

ер участкалари, бинолар ҳамда иншоотларнинг мулқдорларининг розилик хати (ариза берувчи мулқдор бўлмаган тақдирда);

кўп квартирали уйдаги жойлар мулқдорларининг умумий йиғилиши қарорлари (агар ташқи реклама ва ахборот объекти кўп квартирали уйнинг том қисми ёки фасадига ўрнатилиши назарда тутилаётган бўлса);

кўп квартирали уйдаги жойлар мулқдорлар номидан тузилган шартнома (учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда);

белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда);

б) транспорт воситаларида ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) ўрнатиш учун реклама жойининг паспортини расмийлаштириш учун:

автомототранспорт воситасини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги гувоҳнома серияси ва рақами;

транспорт воситасида жойлаштирилиши назарда тутилган реклама ва ахборотнинг (транспорт воситасининг тўрт тарафдан кўриниш) эскизи;

белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда);

в) илгари берилган реклама жойи паспортларини янги шаклдаги паспортга алмаштириш, шу жумладан, амал қилиш муддатини белгилаш учун:

ташқи реклама бўйича тегишли тўлов ва йигимлардан охирги беш йил муддат учун қарздорлиги мавжуд бўлмаганлигини асословчи ҳужжатлар;

бериладиган реклама жойининг паспорти ва техник хавфсизлик талабларига мувофиқ ўрнатилганлиги ҳақида тегишли лицензияга эга бўлган ваколатли ташкилотнинг жорий йилдаги хulosаси (ўрнатилган манзили (мўлжал) ва локацияси кўрсатилган бўлиши шарт);

илгари берилган реклама жойи паспортининг электрон нусхаси (агар паспорт эгаси қайта ташкил этилган тақдирда, ҳукуқий ворислигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, паспортга эгалик қилиш ҳукуқи тўғрисида суд қарори нусхаси);

ташқи реклама ва ахборот конструкциясининг тўлиқ кўринишини орқа томони ва олди томонини акс эттирувчи (фундаменти ва юқори қисми) охирги бир ҳафта ичida олинган фотосуратлари (JPEG форматида);

белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда).

Ариза берувчилардан ушбу бандда ва сўровномада кўрсатилмаган маълумотларни ва бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб этиш қатъяян тақиқланади.

**7. Давлат хизмати кўрсатилгани учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йигим ундирилади.**

Илгари берилган паспортлар эгалари мулкчилик шаклидан қатъи назар, реклама ўрнатилган жойининг паспортини янги шаклдаги паспортга алмаштириш, шу жумладан, паспорт муддатини белгилаш учун ЯИДХП ахборот тизими орқали ариза топширганда давлат хизматлари учун тўлов ундирилмайди.

Ундириладиган йигимлар суммаси қуйидаги тартибда тақсимланади:

**10 фоизи –** Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Давлат хизматларини ривожлантириш жамғармасининг шахсий ҳисобварафига;

**11,25 фоизи –** Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматларини кўрсатганлик учун, шунингдек, 0,5 фоизи Ягона биллинг тизими орқали давлат хизматлари кўрсатганлик учун Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармасининг электрон ҳукумат ва рақамли иқтисодиётнинг идоралараро лойиҳаларини молиялаштириш бўйича маҳсус ҳисобварафига;

**39,75 фоизи –** тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгashi, вилоятлар ҳокимликларига, Тошкент шаҳрида Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш департаментига (кейинги ўринларда - Департамент);

**39 фоизи – Ўзбекистон Республикаси Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хукуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг бюджетдан ташқари Рақобатни ривожлантиришга кўмаклашиш жамғармасига ўтказилади.**

8. Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан уни қўрсатишнинг ҳар қандай босқичида бош тортиш хукуқига эга.

Ариза берувчи давлат хизматидан фойдаланишдан бош тортганда, унинг сўровномаси кўрилмасдан қолдирилади. Бунда тўланган йигим суммаси қайтарилилмайди.

9. Ариза берувчи сўровномани тўлдирган сўнг сўровнома автоматик тарзда “Ташқи реклама” рақамли мониторинг электрон тизимиға (кейинги ўринларда – электрон тизим) юборилади ва ушбу электрон тизим орқали тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликларига ва Тошкент шаҳрида Департаментга юборилади.

10. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳрида Департамент томонидан аризалар ўн беш иш куни ичида кўриб чиқилади ва электрон рақамли имзо (ЭРИ) билан тасдиқланган, QR-код (матрик штрихли код) қўйилган ташқи реклама ва ахборот обьектини (конструкциясини) ўрнатиш учун реклама жойининг паспорти расмийлаштирилади ёки рад этишга асослар мавжуд бўлганда, расмийлаштириш рад этилади.

Бунда келиб тушган аризалардаги:

ташқи реклама бўйича тегишли тўлов ва йиғимлардан охирги беш йил муддат учун қарздорлиги мавжуд бўлмаганлигини асословчи хужжатлар – Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг худудий бошқармалари;

бериладиган реклама жойининг паспорти ва техник хавфсизлик талабларига мувофиқ ўрнатилганлиги ҳақида тегишли лицензияга эга бўлган ваколатли ташкилотнинг жорий йилдаги хулосаси – Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг худудий бошқармалари ўн иш кунида электрон тизим орқали тўғрилигини тасдиқлайди ёки рад этади.

11. Ариза берувчи ЯИДХПдаги шахсий кабинети орқали ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) ўрнатиш учун шартнома оммавий офертасини тасдиқлаш орқали реклама жойининг паспортини олади.

12. Давлат хизматини қўрсатиш рад этилган тақдирда, тегишинча Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, тегишли вилоят ҳокимлиги ёки Тошкент шаҳрида Департаментдан рад этиш сабаблари аниқ қўрсатилган хабарнома ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий кабинетига электрон шаклда юборилади.

13. Реклама жойининг паспортини расмийлаштиришни (унинг муддатини белгилаш ёки янги шаклдаги паспортга алмаштиришни) рад этиш учун қўйидагилар асос бўлади:

давлат хизматларини қўрсатиш учун йигим тўланмаганлиги;

ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) таклиф қилинаётган жойи ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш чизмасига киритилмаганлиги;

сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилиши ёки хужжатлар сўровномага асосан тўлиқ тақдим этилмаганлиги ёхуд ёлғон маълумотлар тақдим этилганлиги;

ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) хавфсизлигининг умумий техник регламентида назарда тутилган талабларга мувофиқ эмаслиги;

транспорт воситаларида реклами жойлаштириш бўйича эса ҳаракат хавфсизлиги қоидаларига мос келмаслиги;

ваколати бўлмаган шахс томонидан ариза берилганлиги;

илгари берилган реклама жойининг паспортида кўрсатилган эгаси тўғрисидаги маълумотлар, ташқи реклама ва ахборот объектларининг (конструкцияларининг) ўлчамлари, жойлашган жойи (локацияси) унинг жорий ҳолатига тўғри келмаслиги ҳамда охирги беш йил учун ташқи реклама бўйича тегишли тўлов ва йигимлардан қарздорлик тўлиқ қопланмаганлиги.

Бунда илгари берилган реклама жойининг паспорти бўйича тегишли тўлов ва йигимлардан қарздорлик ва улар бўйича тўловларни тасдиқловчи хужжатлар солишишима далолатномасига асосан ўрганилиб, қарздорлик аниқланганда, реклама жойининг паспорти эгаларига қарздорликни тўлаш учун инвойс ва қўшимча 10 иш кун муддат берилади.

Давлат хизматларини кўрсатишни бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

14. Ариза берувчи ташқи реклама ва ахборот обьектини (конструкциясини) ўрнатиш учун реклама жойининг паспортини ёки транспорт воситаларида ташқи реклама ва ахборотни ўрнатиш учун реклама жойининг паспортини расмийлаштириш рад этилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида ер участкаларида, шунингдек, хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоотларда, транспорт воситаларида ташқи реклама ва ахборот обьекти (конструкцияси) паспортини расмийлаштириш учун йигимни тўламасдан қайта мурожаат қилиш хуқуқига эга.

Ташқи реклама ва ахборот обьектини (конструкциясини) ўрнатиш учун реклама жойининг паспортини расмийлаштириб беришни рад этиш учун асос бўлган сабаблар ариза берувчи томонидан бартараф этилган тақдирда, ташқи реклама ва ахборот обьектини (конструкциясини) ўрнатиш учун реклама жойининг паспортини олиш бўйича қайта мурожаат қиласи.

Ташқи реклама ва ахборот обьектини (конструкциясини) ўрнатиш учун реклама жойининг паспортини расмийлаштириб бериш бўйича қайта мурожаатни кўриб чиқишида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳрида Департамент томонидан аввалги рад этиш асосларида баён этилмаган сабабларнинг

келтирилишига йўл қўйилмайди, аввал қўрсатилган сабаблар бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумотлар билан боғлиқ рад этиш сабаблари келтирилиши бундан мустасно.

Реклама жойининг паспортини олиш учун қайта мурожаат рад этилган тақдирда, кейинги мурожаатлар ушбу Регламентга асосан умумий тартибда кўриб чиқилади.

### **3-боб. Якунловчи қоидалар**

15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари мазкур Регламент талаблари ижроси бўйича давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг фаолияти устидан, шу жумладан, ЯИДХП орқали, доимий назоратни ва мониторингни амалга оширади.

16. Ариза берувчилар давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг хатти-харакатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

17. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишига сабаб бўладилар.

Ташқи реклама ва ахборот объектларини  
(конструкцияларини) жойлаштириш хуқуқини  
расмийлаштириш бўйича давлат хизматини  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
1-илова

**Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини)  
жойлаштириш хуқуқини расмийлаштириш тартиби  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	<p>1. Давлат хизматини олиш учун ЯИДХПда рўйхатдан ўтади.</p> <p>2. Хизмат кўрсатиш учун базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдорида йигим тўлайди (илгари берилган реклама жойининг паспортини янгилаш бундан мустасно).</p>	Мурожаат этганда
2-босқич	ЯИДХП	<p>Сўровнома “Ташқи реклама” ракамли мониторинг электрон тизимига юборилади ва ушбу тизим орқали Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳрида Департаментга юборилади.</p>	Автоматик тарзда
3-босқич	Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари ва Тошкент шаҳрида Департамент	<p>a) Илгари берилган реклама жойи паспортларини янги шаклдаги паспортга алмаштириш, шу жумладан, амал қилиш муддатини белгилаш учун:</p> <p>Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг худудий бошқармаларига қарздорлик бор йўқлигини ва Қурилиш ва уй-жой коммунал ҳўжалиги вазирлигининг худудий бошқармаларига реклама жойининг паспорти ва техник хавфсизлик талабларига мувофиқ ўрнатилганлиги ҳақида тегишли лицензияга эга бўлган ваколатли ташкилотнинг жорий йилдаги хулосаларини текшириш учун юборади.</p> <p>Тегишли хулосалар олиниб, қолган маълумотлар текширилганидан кейин паспортни расмийлаштирилади ёки сўровномага рад жавобини беради;</p> <p>б) Ер участкаларида, шунингдек, хусусий мулк бўйлан бинолар ва иншоотларда ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) ўрнатиш учун реклама жойининг паспортини расмийлаштириш учун:</p> <p>паспортни расмийлаштиради ёки сўровномага рад жавобини беради;</p> <p>в) автотранспорт воситаларида ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) ўрнатиш учун реклама жойининг паспортини расмийлаштириш учун:</p>	10 иш кун ичидаги (тўловлар билан боғлиқ ҳолда кўшимча 10 кунга узайтирилади)

24

паспортни расмийлаштиради ёки сўровномага  
рад жавобини беради.

QR-код (матрик штрихли код) кўйилган  
паспортни ариза берувчининг ЯИДХПдаги шахсий  
кабинетига электрон шаклда юборади;

Ариза берувчи ЯИДХПдаги шахсий кабинети  
орқали ташқи реклама ва ахборот объектларини  
(конструкцияларини) ўрнатиш учун шартнома  
оммавий офертасини тасдиқлаш орқали реклама  
жойининг паспортини олади.

Реал вақт  
режимида

Шартнома  
оммавий  
офертаси  
тасдиқланганда

Ташқи реклама ва ахборот объектларини  
(конструкцияларини) жойлаштириш ҳуқуқини  
расмийлаштириш бўйича давлат хизматини  
кўрсатишнинг маъмурий регламентига  
2-илова

**Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини)  
жойлаштириш ҳуқуқини расмийлаштириш учун  
СЎРОВНОМА**

**I. Ариза берувчи – юридик шахс тўғрисида маълумот:**

1. Тўлиқ номи	
2. СТИР	
3. Ҳисобварағи	
4. Жойлашган жойи	
5. Телефон рақами	
6. Электрон почта манзили (мавжуд бўлганда):	

**II. Ариза берувчи – жисмоний шахс (ЯТТ):**

1. Ф.И.О.	
2. Биометрик паспорт (идентификацияловчи ID-картаси) маълумотлари (серияси, рақами)	
3. ЖШШИР	
4. СТИР	
5. Ҳисобварағи	
6. Фаолият тури	
7. Яшаш манзили	
8. Телефон рақами	
9. Электрон почта манзили (мавжуд бўлганда):	

**III. Юридик ёки жисмоний шахслар ер участкаларидағи, шунингдек,  
хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоотлардаги реклама ва ахборот  
объектини (конструкциясини) жойлаштириш учун маълумотлар ва илова  
қилинадиган ҳужжатлар:**

1. Объектнинг жойлашган манзили ва ўрнатиш чизмасидаги реклама жойининг рақами	
2. Ташқи реклама ва ахборот объектининг (конструкциясининг) эскиз лойиҳаси (эскиз лойиҳада техник хусусиятлари акс эттирилади)	
3. Ер участкасига, шунингдек, хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (шу жумладан, кадастр рақами)	
4. Кўп квартирали уйдаги жойлар мулқдорларининг умумий йигилиши қарорлари (агар ташқи реклама ва ахборот объектини кўп квартирали уйнинг том қисми ёки фасад қисмига ўрнатилиши назарда тутилаётган бўлса)	

5. Ер участкалари, шунингдек, хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоотлар эгасининг розилик хати (агар ташқи реклама ва ахборот обьекти учинчи шахс томонидан жойлаштирилса)	
6. Кўп квартирали уйдаги жойлар мулқдорлари ёки ер участкалари, шунингдек, хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоотлар эгаси билан тузилган шартнома (агар ташқи реклама ва ахборот обьекти учинчи шахс томонидан жойлаштирилса)	
7. Белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда)	
8. Ташқи реклама ва ахборот обьекти (конструкцияси) ўрнатиладиган жойнинг охирги бир ҳафта ичida олинган фотосуратлари (JPEG форматида)	

**IV. Илгари берилган реклама жойи паспортларини янги шаклдаги паспортга алмаштириш, шу жумладан, амал қилиш муддатини белгилаш учун маълумотлар ва илова қилинадиган ҳужжатлар:**

1. Объектнинг жойлашган манзили ва ўрнатиш чизмасидаги реклама жойининг рақами	
2. Илгари берилган реклама жойи паспортининг электрон нусхаси (агар паспорт эгаси қайта ташкил этилган тақдирда, ҳуқуқий ворислигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси, паспортга эгалик қилиш ҳуқуқи тўғрисида суд қарори нусхаси)	
3. Кўп квартирали уйдаги жойлар мулқдорларининг амалдаги умумий йиғилиши қарорлари (агар ташқи реклама ва ахборот обьекти кўп квартирали уйнинг том қисми ёки фасад қисмида ўрнатилган бўлса)	
4. Техник хавфсизлик талабларига мувофиқ ўрнатилганлиги ҳақида тегишли лицензияга эга бўлган ваколатли ташкилотнинг жорий йилдаги хulosаси (ўрнатилган манзили (мўлжал) ва локацияси қўрсатилган бўлиши шарт)	
5. Ташқи реклама бўйича тегишли тўлов ва йиғимлардан охирги беш йил муддат учун қарздорлиги мавжуд бўлмаганлигини асословчи ҳужжатлар	
6. Ташқи реклама ва ахборот конструкцияси тўлиқ кўринишнинг орқа томони ва олди томонини акс эттирувчи (фундаменти ва юқори қисми) охирги бир ҳафта ичida олинган фотосуратлари (JPEG форматида)	
7. Ер участкасига, шунингдек, хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоотга бўлган мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар (шу жумладан, кадастр рақами)	
8. Кўп квартирали уйдаги жойлар мулқдорлари ёки ер участкалари, шунингдек, хусусий мулк бўлган бинолар ва иншоотлар эгаси билан тузилган шартнома (агар ташқи реклама ва ахборот обьекти учинчи шахс томонидан жойлаштирилса)	

9. Белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома (учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда)	
---	--

**V. Автотранспорт воситаларидағи реклама ва ахборот тұғрисида маълумотлар  
ва илова қилинадиган ҳужжатлар:**

1. Автомототранспорт воситасини давлат рүйхатидан үтказиш ҳақидаги гувоҳнома серияси ва рақами	
2. Автотранспорт воситасида жойлаштирилиши назарда тутилған реклама ва ахборотнинг (транспорт воситасининг түрт тарафдан күриниш) эскизи	
3. Белгиланган тартибда расмийлаштирилған ишончнома (учинчи шахслар манфаати учун ҳаракат қилаётганда)	

Ариза берувчининг  
ЭРИ/имзоси;

Вазирлар Маҳкамасининг  
2020 йил 20 февралдаги 104-сон қарорига  
8-илова

**Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) демонтаж қилиш  
ва демонтаж қилинган конструкцияларни сақлаш тартиби тұғрисида  
НИЗОМ**

1. Ушбу Низом ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) демонтаж қилиш тартибини белгилайди.

2. Реклама жойининг паспорти мавжуд бўлмаган ер участкаларига, биноларга ҳамда иншоотларга ўрнатилған ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва унинг худудий органларининг (кейинги ўринларда – ваколатли давлат органи) қарорига мувофиқ демонтаж қилиниши лозим.

Бунда ваколатли давлат органининг қарори қабул қилинган кундан бошлаб ўн иш куни ичида реклама жойининг паспорти мавжуд бўлмаган ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) мулкдори томонидан ихтиёрий равишда демонтаж қилинмаган тақдирда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан мажбурий тартибда демонтаж қилиниши мумкин.

Ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ушбу Низомда кўрсатилған холларда мажбурий демонтаж қилинганида, демонтаж қилиш куни ва вақти тұғрисидаги маълумотлар уларнинг веб-сайтларида демонтаж қилиш кунидан иккى кун олдин (ушбу Низомнинг 9-банди бундан мустасно) жойлаштирилади ва демонтаж қилинадиган ташқи реклама ва объектларнинг мулкдорлари (эгалари, фойдаланувчилари) тегишли тартибда хабардор қилинган ҳисобланади.

3. Ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) демонтаж қилиш түғрисида қарор қабул қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари (шу жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Рақамли ривожланиш Департаменти – кейинги ўринларда Департамент) томонидан тегишли хужжатлар ҳамда ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) мулқдори түғрисидаги маълумотлар ваколатли давлат органига киритилади.

4. Мулқдори номаълум бўлган ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) мулқдорини аниқлаш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ўзларининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтларида ҳамда “Ташқи реклама” рақамли мониторинг электрон тизимида ушбу ташқи реклама ва ахборот обьекти (конструкцияси) ҳамда унинг мулқдори қидирилаётгандиги ҳақидаги эълон 30 кун давомида жойлаштирилган туради.

Ушбу муддатда мулқдор аниқланмаса, ташқи реклама ва ахборот обьекти (конструкцияси) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ваколатли давлат органининг тегишли қарорисиз мажбурий тартибда демонтаж қилиниши мумкин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ноқонуний ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) мажбурий тартибда демонтаж қилиш учун очиқ танловлар асосида маҳсус ташкилотларни ёллаш ҳуқуқига эга.

Ташқи реклама ва ахборот обьекти (конструкцияси) мажбурий тартибда демонтаж қилинганида, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёки маҳсус ташкилот томонидан далолатнома расмийлаштирилади ва “Ташқи реклама” рақамли мониторинг электрон тизимида ушбу хақда маълумот жойлаштирилади.

Далолатномада ташқи реклама ва ахборот обьектининг (конструкциясининг) мажбурий тартибда демонтаж қилинган санаси, вақти, демонтаж қилиш сабаби, ҳолат бўйича қисқача маълумот, фото суратлар ҳамда саклаш учун юборилган жой манзили кўрсатилиши шарт.

Ташқи реклама ва ахборот обьектларини (конструкцияларини) мажбурий тартибда демонтаж қилиш ва ундан кейинги ҳолати бўйича маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ёки маҳсус ташкилот жавобгар бўлмайди.

6. Мажбурий тартибда демонтаж қилинган ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) улар демонтаж қилинган кундан бошлаб ўттиз кун давомида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланган маҳсус жойларда саклаб турилади.

7. Мажбурий тартибда демонтаж қилинган ташқи реклама ва ахборот обьекти (конструкцияси) мулқдори томонидан демонтаж қилинган кундан бошлаб ўттиз кун ичida маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ташқи реклама ва ахборот обьектини (конструкциясини) қайтариш түғрисида

мурожаат қилишга ҳақли. Бунда мулкдор томонидан ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) демонтаж қилиш, кўчириш, сақлаш ҳамда ободонлаштириш ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаб берган тақдирда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан ташқи реклама ва ахборот объекти (конструкцияси) мулкдорига қайтарилади.

Агар мажбурий тартибда демонтаж қилинган ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) демонтаж қилиш, кўчириш, сақлаш ва ободонлаштириш ишлари билан боғлиқ харажатлари демонтаж қилинган кундан эътиборан ўттиз кун мобайнида унинг мулкдори томонидан қоплаб берилмаса ва сақланайтган жойидан олиб кетилмаса, ушбу ташқи реклама ва ахборот объекти (конструкцияси) маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан сотилиши ёки белгиланган тартибда утилизация қилиниши мумкин. Бунда ташқи реклама ва ахборот объектининг (конструкциясининг) мулкдори маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига мурожаат қилган тақдирда ташқи реклама ва ахборот объектини (конструкциясини) сотишдан ёки утилизация қилинишидан тушган маблағлар уларни демонтаж қилиш, сақлаш, сотиш ва ободонлаштириш ишлари билан боғлиқ харажатлар чегириб ташлаган ҳолда мулкдорга қайтарилади.

8. Ташқи реклама ва ахборот объектларини (конструкцияларини) мажбурий тартибда демонтаж қилиш, кўчириш, сақлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, кейинчалик ушбу харажатларни ташқи реклама ва ахборот объекти (конструкцияси) мулкдорлари ёки сотишдан (утилизациядан) тушган маблағлар ҳисобидан қопланади.

9. Ўрнатилган ташқи реклама ва ахборот объекти (конструкцияси) атроф-муҳит, инсон ҳаёти ва транспорт воситаларига хавф туғдирган тақдирда (техник носоз ҳолатдалиги, коммуникация ўтказмаларига зарар келтирсанлиги аниқланган ва кечиктириб бўлмайдиган инсон ҳаёти учун хавфли бўлган вазиятларда), маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан далолатнома расмийлаштирилиб, огоҳлантиришсиз ташқи реклама ва ахборот объекти (конструкцияси) мажбурий тартибда демонтаж қилинади ҳамда бу ҳақда ташқи реклама ва ахборот объекти (конструкцияси) мулкдорига икки иш кунидан кечиктирмасдан хабар берилади ва “Ташқи реклама” рақамли мониторинг электрон тизимида ушбу ҳақда маълумот жойлаштирилади.

10. Ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) жойлаштириш учун паспортлари, гувоҳномалари, сертификатлари, рухсатномалари ва ҳукуқни белгиловчи бошқа хужжатлари бекор қилинган ёки ушбу хужжатлар мавжуд бўлмаган (рухсатсиз ўрнатилган) ҳолларда, ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) демонтаж қилиш чоралари кўрилади.

11. Ушбу Низомда белгиланган тартибда демонтаж қилинган ташқи реклама ва ахборот объектларининг (конструкцияларининг) жойига ёки ён атрофига ташқи реклама ва ахборот объектлари (конструкциялари) такроран ноқонуний ўрнатилганда, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан огоҳлантиришсиз мажбурий тартибда демонтаж қилинади. Бунда ушбу Низомнинг 6 ва 7-бандлари қўлланилади.

12. Ушбу Низомда белгиланган тартибни бузганлик, қонунчилик талаблариға риоя қилмаган холда ташқи реклама ва ахборот обьектлари (конструкциялари) ўрнатганлиги учун айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади”.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида Туризм соҳасини тиклаш ва ривожлантириш учун кулай шарт-шароитларни яратиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 10 июлдаги 433-сон қарорига 17-илованинг 96-позицияси чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Жамоат транспортини молиялаштиришнинг янги тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 18 мартағи 116-сон қарорига 3-илованинг 5-банди чиқариб ташлансин.

**Изоҳ.** Мазкур илованинг 1-банди “а”, “б” ва “в” кичик бандлари, 3-банди “а” кичик бандининг учинчи хатбошиси, “б” кичик бандининг учинчи ва тўртинчи хатбошилари, “в” кичик банди 2023 йил 1 декабрдан кучга киради.

